



2020 у « 27 » март

№ Қ-142

«    »    20    г

**Олтинсой тумани “Оқарбулоқ” маҳалласи худудидан “SOUTH SHOPPING CENTER” МСНҲга “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси қурилиши” учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика Вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги хатига асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 мартдаги 02-02/123-сонли йиғилиш баёни ва Олтинсой туман ҳокимининг 2020 йил 18 февралдаги 01-03/11-сонли хатини кўриб чиқиб,

#### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 мартдаги 02-02/123-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Олтинсой тумани “Оқарбулоқ” маҳалласи худудидан “SOUTH SHOPPING CENTER” МСНҲга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 570-дала контуридаги 1,40 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси қурилиши” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев), Олтинсой туман ҳокимлиги (А.Джумаев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов